



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ



Фракция йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ:

МУҲОКАМА, ТАКЛИФ ВА ТАВСІЯЛАР



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда фракция аъзолари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси кун тартибига биринчи ўқишда киритилиши кўзда тутилган қонун лойиҳалари кизгин муҳокама қилинди.

Фракция йиғилишида дастлаб, кун тартибидан ўрин олган биринчи масала — «Жарима тарихидаги қонун ҳужжатларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан қўйилган палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташевнинг маъруза-

си тингланди. Таъкидландики, мамлакатимизда жиноят қонунчилигини либераллаштириш босқичма-босқич муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айниқса, жазонинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турларини амалиётга жорий қилишда ярашув концепциясининг ҳаётга тадбиқ этилиши ўз самарасини бермоқда. Юқорида қайд этиб ўтилган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса жиноий жазо сифатида жарима жазосининг ижро этиш механизмларини янада такомиллаштиришга ҳуқуқий замин яратди. Шу билан бирга, Жиноят, Жиноят процессуал, Жиноят ижроия кодексларининг, шунингдек, суд ва бошқа қонун ҳужжатларида ижро этиш тўғрисидаги қонунларнинг айрим моддаларини тартибга солиди.

Муҳокама давомида фракция аъзолари Мамит Аскар-ов, Абдулла Абдуназаров, Юсубжон Нишонов ва Зухра Ботировалар томонидан қонун лойиҳасини янада мукамаллаштириш мақсадида турли таклиф ва тавсиялар билдирилди.


Маълумотларга кўра, республикада жорий йилнинг биринчи ярмида судлар томонидан қўрилган фуқаролик ишларининг қарийб 72 фоизини коммунал хўжалиги билан боғлиқ масалалар ташкил этган. Кўрииб турибдики, бундай ишларни ўрганиш ҳамда низо-ларни даъво тартибда кўриш кўп вақт ва ортқча харажат талаб қилмоқда. Йиғилишда муҳокама қилинган иккинчи масала, яъни «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процес-суал кодексининг 238-мод-дасига қўшимчалар кири-тиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айни шу каби му-аммоларни бартараф этиш мақсадида тайёрланган. Ай-тиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси депутатларнинг кизгин бахс-мунозараларга сабаб бўлди. Уни янада му-камаллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар бил-дирилди.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгариш киритиш тўғри-сида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томони-дан муҳокама қилинди, му-лоҳазалар, таклифлар бил-дирилди.

Ўз мухбиримиз

ХАРИДОРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТ

Истиқлолнинг даст-лабки йилларидаёқ мамлакатимизда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркор-ликка катта эъти-бор қаратилиб, кенг имкониятлар яра-тилди. Ҳозирги кунда рақобатбардош, ар-зон, сифатли маҳсу-лотлар ишлаб чиқа-раётган рентабелли корхоналар сон-и ор-тиб бораётир. Пой-тахтимизда фаоли-ят юритаётган «ELIT-POLIMER» Ўзбек-Британия қўшма корхонаси эришяётган ютуқ-лар сўзимиз тасди-ғидир.



Қўшма корхона шу пайт-гача полипропилен қувурлар, иситиш мосламалари, қозон-хоналар ва бошқа сантехни-ка ускуналари импорт билан шугулланиб келарди. Айни вақтда эса корхона қошида пластик қувурлар ишлаб чи-қарадиган мини завод фаоли-яти йўлга қўйилган. Ҳар жиҳатдан қулай, арзон ва си-фатли бўлган бу маҳсулот-лар ёқилиш сарфининг кам-лаги, экологик жиҳатдан зар-рарсизлиги, ёнғин хавфсиз-лигининг таъминланганлиги билан аҳамиятлидир.

— Қўшма корхонамиз Тур-кия технологиялари асоси-да жиҳозланган, — дейди

корхона бош директори Ис-кандар Рашидов. — Шунинг учун маҳсулотларимиз хари-дорларга манзур бўлаяпти. Галдаги режамиз — экспорт-ни йўлга қўйиш. Бу борада қўшни давлатлар ҳамда рос-сиялик ҳамкорлар билан турли келишувларни амалга ошираямиз.

Таъкидлаш жоизки, «ELIT-POLIMER»да ишлаб чиқарилаётган турли ўлчам-даги қувурлар 80-90 С° ис-сиқликкача чидамлилиги хари-дорлар ишончини оқламоқда. Шу боис рес-публикамиз ва Хамдўстлик давлатлари миқёсида ўтқа-зилаётган деярли барча

қурилиш маҳсулотлари ха-לקро кўргазмаларида кор-хона маҳсулотлари истеъ-молчиларнинг катта қизи-қишига сабаб бўлмоқда. Қўшма корхонада бир юз элликдан ортиқ киши меҳ-нат қилади. Уларнинг акса-риятини олий маълумотли мутахассис кадрлар ташкил этади. Бу борада Абу Райх-он Беруний номидаги Тош-кент Давлат Техника уни-верситети ва Тошкент кимё технологиялари институти билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оши-рилмоқда. Сантехника ус-куналарининг энг сўнгги турларини ўқув амалий ма-

шғулотларга кўргазма сифа-тида тақдим этаётган кор-хонага ушбу олийгоҳлар ма-лакали мутахассис-кадрлар тайёрлаб бераётир. Қўшма корхона хайрли ишлардан ҳам четда қол-гани йўқ. Мирзо Улуғбек ту-манидаги 241-мактаб кор-хона оталиғига олинган. Бундан ташқари, кам таъ-минланган оилалар ҳамда Меҳрибонлик уйларида до-имий равишда моддий-маъ-навий кўмак бериб келин-моқда.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» мухбири
Носир ХАЙДАРОВ
олган сурат.

Фармон ва ижро

ЁШ ОИЛАЛАРГА ФАМХЎРЛИК

НУКУС ЎЗА мухбири
А.ОРИҚБОВЕВ. Юртимиз-нинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпо-вистон Республикасида ҳам ёш оилаларни ҳар то-монлама қўллаб-қувват-лашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маъ-навий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги фар-монига асосан «Халқ бан-ки»нинг Эллиқалъа туман-и филиали жамоаси ёш оилаларга уй-рўзгор бу-юмлари, мебель жиҳозла-ри харид қилиш, уй-жой қуриш ва сотиб олишида кўмаклашиш мақсадида кредитлар ажратмоқда.

— Ушбу фармон муста-қил ҳаётга қадам қўйган ёш оилалар учун айти-муддао бўлди, — дейди банк филиали раҳбари Максуд Алимов. — Ўтган давр мобайнида тўққиз оилага мебель сотиб олиш учун 20 миллион сўмдан зиёд имтиёзлий кредит бердик. Уй-жой сотиб олиш учун эса беш оилага 59,3 миллион сўм ипотека кредити ажра-тилди.

Шунингдек, мазкур банк томонидан фуқароларга чорва моллари сотиб олиш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6,6 миллион сўм, банк ҳисобидан 2,4 миллион сўм кредит бе-рилди.

2007 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан рес-публика ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилиши-да белгиланган устувор йўналишларга мос равишда иқтисодий ён-ида эркинлаштиришга ва бозор ислохот-ларини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ижро этилиши билан амалга оширилди. Иқтисодий тармоқла-рида тадбиркорлик ва инвестициявий фаолиятнинг ошиши макроиқтисодий прогноз қўрсаткичларига эришиш им-конини берди ва уларнинг ҳисобот даврида барқарор ривож-ланиши жорий йилдаги вазифалар ижросини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратди.

1. Макроиқтисодий тенденциялар
Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар. Ҳисобот да-врида иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланди ва прогноз кўрсаткичларидан анча юқори бўлди. Ялпи ички маҳсулот 9,8 фоиз, саноат маҳсулотлари 11,9 фоиз, асо-сий капиталга йўналтирилган инвестициялар 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 18,4 фоиз, пуллик хизматлар 25,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 3,5 фоиз, экспорт 41,8 фоизга ўсиши таъминланди. Давлат бюже-ти даромадлари бўйича прогнознинг ижроси таъминланди, бу эса харажатлар бўйича кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-иқтисодий ривож-ланишининг асосий кўрсаткичлари

(Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида)			
Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 9 ойи	2007 йилнинг 9 ойи	2007 йилнинг 9 ойи
Ялпи ички маҳсулот	107,3	109,8	
Саноат маҳсулотлари ҳажми	110,2	111,9	
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	120,9	119,8	
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	107,1	103,5	
Асосий капиталга инвестициялар	110,0	131,3	
Қурилиш ишлари	110,7	120,4	
Чакана савдо айланмаси	112,2	118,4	
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	116,4	125,2	

Қуйдагилар иқтисодий ўсишнинг асосий омилла-ри бўлди:

а) **хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг юқори даражадаги инве-стициявий фаолияти.** Ушбу фаоллик давлат ёрдамнинг кенг қўллани-ли иқтисодий ва ташкилий чо-ралари билан рағбатланти-рилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан инвести-цияларнинг 1,36 триллион сўмга ўсишини таъминла-ди (31,3 фоизга ёки 2006 йилнинг шу даврига нисба-тан 3 баравар кўп), қури-

лиш пудрат ишларининг ўсиши эса 20,4 фоизни ташкил этди (2 баравар кўп).

Корхоналарнинг ўз маб-лағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар солиштирма нархларда 28,6 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий ин-вестициялар ҳажми — 2,1 баравар, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қўйилмалар — 33,1 фоиз, уй-жой қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобидан қўйилмалар — 11,3 фоизга ошди.

Ўтган давр мобайнида

асосий саноат тармоқлари-ни ривожлантириш, модер-низациялаш, техник ва те-хнологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ёқилғи-энерге-тика мажмуасини ривож-лантириш дастурлари дои-расида йирик инвестиция-вий лойиҳалар амалга оши-рилди. Капитал қўйилма-ларнинг умумий ҳажмида янги қурилишлар 38 фоиз-ни, модернизация, рекон-струкция ва техник қайта жиҳозлаш 49 фоизни таш-кил этди.

Ишлаб чиқаришга йўнал-тирилган инвестицияларнинг умумий инвестициялардаги салмоғи 67 фоизни ташкил этди (2006 йилда 64,1 фоиз). Ҳисобот даврида инвести-цияларнинг асосий қисми транспорт ва алоқа (инве-стициялар умумий ҳажмининг 23,9 фоизи), ёқилғи-энерге-тика мажмуаси, кимё ва нефть-кимё саноати (19,9 фоиз) йўналтирилди.

Озёқ-оват саноатида (91 объект), энгил саноатида (44), қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда (56), ёқилғи-энергетика мажмуа-си ва металлургияда (21) ва бошқа ишлаб чиқариш со-ҳаларида — жами 234 та ин-вестициявий лойиҳа якун-ланди.

Янги қурилган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлида поездларнинг даст-лабки ҳаракати йўлга қўйил-ди, «Зеварда» қонида комп-рессор станцияси қурилиши ниятсизга етказилди, «Лу-койл» компанияси билан ҳамкорликда «Хазуак» ко-нида табиий газни қазиб олиш ишларини йўлга қўйиш якунланмоқда, «Газли-Сари-мий» газ қувири участкаси қурилиши» лойиҳаси бўйича 50,5 км газ қувири ишга ту-ширилди, 38 та кудук бургу-ланди, шу жумладан 8 таси

«Ўзлаштириш қийин бўлган Шимолий Нишон, Қамаш, Бешкент, Шакарбулоқ кон-ларида иш олиб бориш» ва «Тажриба-саноат эксплута-цияси даврида Қўқдумалоқ қонини жиҳозлаш» лойиҳа-лари бўйича амалга оши-рилди, Қўқдумалоқ қонида ёндош газларни утиллашти-риш бўйича учта мослама, 184 км электр узатиш линия-лари ишга туширилди. Жум-ладан, Тиклианиш ва ривож-ланиш жамғармаси иштиро-кида молиялаштирилган Тубегатон қалий ўғитлари қони ва «Хонжиза» қонида полиметалл рудаларни ўзлаштириш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар, шунингдек, «Ўзлаштириш қийин бўлган Шимолий Фўзор қонида иш олиб бо-риш» лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

б) фаол ташқи савдо сибаси ташқи савдо ай-ланмасининг 27,1 фоизга ўсишини таъминлади. Эк-спорт умумий ҳажмида хо-маш бўлмаган товарлар улуши 2006 йилнинг 9 ойи-даги 71,6 фоиз ўрнига 74,4 фоизни, ўсиш суръати эса 167,8 фоизни ташкил этди. Озёқ-оват ва истеъмол то-варлари (1,5 баравар), кимё маҳсулотлари (1,4 бара-вар), энергетика маҳсулот-лари ва нефть маҳсулотла-ри (2,1 баравар), қора ва рангли металллар прокати (1,3 баравар), машина ва ускуналар (1,5 баравар) эк-спорти айниқса юқори да-ражада ўсди.

в) **иқтисодий барқа-рорликни қўллаб-қувват-лаш ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-лар ишбилармонлик му-ҳитини сезиларли ра-вишда яхшилади.** (Давоми 2-бетда)

ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ

Денгиз сатҳидан 1400 метр баландликда жойлаш-ган «Хисорак» қишлоқ фуқа-ролар йиғини ҳудудда 17,5 минг аҳоли истиқомат қи-лади. Бу ердаги 16 та тоғли қишлоқ аҳолиси фарзандла-ри 12 та мактабда таълим-тарбия олишади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим жара-ёнлари олис тоғли қишлоқ аҳолиси учун ҳам кенг им-кониятлар яратди. Янги ўқув йилидан бу ерда Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи қурилиб, фойдала-нишга топширилди. Олти йўналиш бўйича таҳсил бе-риладиган, 360 нафар ўқув-чиға мўлжалланган ушбу за-монавий илм масканини «Хисораксувобори» ҳис-содорлик жамияти қурувчилари бунёд этдилар. Умумий қиймати 1 миллиард 970 миллион сўм бўлган иншо-от қисқа фурсатда қад рос-тлади.

Коллеж директори Аликул Маликовнинг таъкидлашича, илм масканида барча шарт-шароитлар яратилган. Оқдари, Тамшув, Филон, Қўл, Чунгурак сингари қиш-лоқлардаги ўрта мактаблар-нинг 9-синфини тугаллаган ёшлар замонавий билим масканида касб сирларини ўрганаётган.

Шавкат СУЛТОНОВ

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳар партия Кенгаши Бектемир туман-ида «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки тўғрисида дав-ра суҳбати ўтказди.

Чилонзор туман партия Кенгаши «Шахина Оси-ла» фирмаси билан ҳамкорликда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан тумандаги 33 та кам таъ-минланган оилага моддий ёрдам кўрсатди.

Учтепа туман Кенгаши ташаббус билан «Хотин қизлар ва ижтимоий тараққиёт» мавзусида дав-ра суҳбати ўтказилди.

«ШАНХАЙ РУҲИ» ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Бир неча йил аввал халқ-ро сибасида «Шанхай руҳи» давлат йиғини асосий пайдо бўлди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, ма-данияти ўртасида муайян фарқлар мавжуд эканлиги-га қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенглик, та-раққиётга биргаликда инти-лиш ташкилотини ривожлан-тиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу оми-ларнинг барчаси «Шанхай руҳи»нинг асосий таркибий қисмларидир. ШХТ саммит-ларида, ташкилотнинг тур-ли мақомдаги анжуманлари-да ҳаммаи ана шу руҳ ҳукм суради.

ШХТ давлатлари ўртаси-даги гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтиришда ҳам «Шанхай руҳи»нинг аҳамияти катта. Мамлакатларимиз сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодий алоқа-ларга оид режаларни амалга ошириш бораберида мада-ния, санъат ва таълим йўна-лишларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқ-да. ШХТ саммитларида аъзо ва кузатувчи мамлакатлар-нинг санъат усталари бир саноатда гала-концерт ташкил этиши ананага айланган. ШХТ давлатларининг мада-ния ва таълим соҳалари учун масъул вазирликлар раҳ-барларининг мунтазам учра-шувларини, йиллик санъат фестивалларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Марказий Осиё мамла-катлари ҳамда Хитой ва Рос-сия қадим урф-одат ва анъ-аналарга, бой тарихга эга эканлигини назарда тутиб, уларнинг гуманитар ҳамкор-лиги ташкилот қамраган минтақада цивилизацияла-раро мулоқотини ривожлан-тиришга йўл очмоқда. ШХТ маконида «халқ дипломатия-си»ни ривожлантириш мақ-

садида 2005-2006 йилларда Кўп томонлама маданий ҳам-корлик дастури муваффақи-яли билан амалга оширилди. Айни пайтда 2007-2008 йил-ларга мўлжалланган шундай дастур ижроси давом этмоқ-да. У ШХТ мамлакатлари маданий вазирларининг 2006 йил апрель ойида Тош-кентда бўлиб ўтган кенгаши-да тасдиқланган. Мазкур ан-жуман доирасида Ўзбеки-стон Бадий академиясининг кўргазмалар залида ШХТ мамлакатларининг тасвирий ва амалий-декоратив санъ-атида бағишланган «Баҳор камалаги» мавзусидаги кўргазма ташкил қилинди.

Хитойнинг Хуанчжоу шаҳ-рида ташкил этилган «Сиху қўлини чиқаримиз» бадийи форуми, Қирғизистоннинг Чўпон ота шаҳрида ўтказил-ган Иссыккўл кинофестива-ли жорий йилнинг маданий тадбирларидандир. Хуанч-жоу форумида ШХТ мамла-катларидан олтидан зиёд мўйқалам устаси иштирок этди. Иссыккўл кинофестива-лида намойиш этилган фильмлар сони ҳам шунга яқин бўлди.

(Давоми 2-бетда)

«Адолат»га обуна бўлинг!

Азиз газетхонлар! Мамлакатимиз ва дунёда руҳ берадиган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳалардаги янги-ликлар, ўзгаришлардан йил давомида ҳи-бардор бўлиб боришни хоҳлайсизми? Унда «АДОЛАТ»га обуна бўлишга шо-шилдингиз!

Ха айтганча, 2008 йилда Сиз, азиз мушаррийлар томонидан йўланган, тур-ли тақдир-мулоқозларингиз битилган мактубларни, мақолаларни газетамиз саҳифаларида кенг ёритишни режалаштирганимиз.

Обуна «Ўзбекистон почтаси», «Матбўт таркатуви» идоралари ва бошқа ташкилотлар томонидан расмийлаштирилмоқда.

Газета нашр индекси — 100.

«АДОЛАТ» гошмий ҳамроҳингиз бўлсин!



Бугунги кун мавзуси

САЙЛОВ – ХАЛҚ ЭРКИ ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Каримов юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуришга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ғоялари ҳамда сайловларнинг демократик принциплар асосида ўтказилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги ҳақида гапирди: «...эзгу максадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётиимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош тамойили бўлиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим», деган эди.

Дарҳақиқат, сайловлар ҳозирги замон демократиясининг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши ва сиёсий жараёнда ҳамда давлатни бошқаришда иштирок қилишининг асосий шаклларида бири, айни пайтда, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш усули ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасига кўра, «Халқ иродаси ҳукуматга тегишли бўлган ҳокимиятнинг негизи бўлиши керак: бундай ирода умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан аҳамиятли шакллар воситасида амалга оширилиши лозим бўлган даврий ва сохта бўлмаган сайловларда ўз ақсини топиши керак». Демак, сайловлар ўз-ўзича фақат сиёсий тартибдир эмас, балки, шу билан бирга, анъанавий демократик тартибдир ҳамдир.

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида одимлаётган шароитда ўтказилажак сайловлар юксак тараққиётни белгилаб бериувчи омил сифатида хизмат қилиши, шубҳасиз. Сайловлар Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очкиклик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтказиб келинмоқда. Бу эса, мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш фақат эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганлигининг ёрқин далили.

Суверен демократик республика бўлган Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг

бирдан-бир манбаи бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари унинг муҳокамасига тақдим этилади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ҳамда қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Инсоният тараққиётининг энг муҳим ютуғи бўлиш демократиянинг асл маъноси «халқ ҳокимияти»ни билдиради (يونونча «demos» – халқ ва «kratos» – ҳокимият). Демократик давлатда халқ – мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли ҳақ-ҳуқуқларини бевосита чекловларсиз ўз манфаатлари ва мавжуд кадр-қимматларида келиб чиққан ҳолда амалга оширади. Қадим юнон давлатида ҳокимият раҳбарини фуқаролар томонидан тенг ва эркин тарзда сайланишининг йўлга қўйилиши демократиянинг илк нишониси эди. Бу билан демократиянинг ўзи, аввало, фуқаролар иродасининг сайлов кўринишидаги ифодаси тарихидада юзага келган. Бошқача қилиб айтганда, «Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани» (И.А.Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Т. «Ўзбекистон», 2005. 18-б.)

Мустақиллик, адолатлилик тамойиллари мамлакатимизда сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари тарихидада 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқий жиҳатдан қайта баён қилинган. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар доираси сайлов электротишари ташкил этади. Сайловчиларнинг сайловда қатнашиш маданияти сиёсий маданиятнинг тарқибий қисми бўлган электротишари маданияти билдиради.

Мустақиллигимиздан кейинги қисқа фурсатда мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ошди. Эндикда сайлов ҳуқуқи мамлакат миқёсидаги расмий тадбир эмас, балки жамият тақдирини халқ қилишда бевосита иштирок

этиш, деб тушунишмоқда. Бинобарин, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов халқиятининг электротишари маданияти юксак даражада ўсаятганлигини кўрсатди. «Шу маънода, бу сайловлар биз учун яна бир синов бўлди», деган эди Юрбошимиз «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» номи асариди. Яратганга шукрлар бўлсинки, сайловчиларимиз, бутун халқимиз бу синовдан ёрғуз билан ўтди. Бу синов бизнинг ҳеч қимдан кам эмаслигимизни, юртимизда демократик давлат барпо этиш, ўз келахагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида салмоқли қадамлар қўйганимизни яна бир бор кўрсатди. Шунинг учун бу сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида саҳифа бўлиб қолади.»

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бағишланган қонунлар тахлили юртимизда демократиянинг энг муҳим талаби – ҳар бир фуқаронинг сайловда бевосита қатнашиши таъминланганини кўрсатади. Хусусан, Конституциянинг 90-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов ҳуқуқи асосида туғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Сайловда қатнашувчи фуқаро ихтиёрий равишда сиёсий-ҳуқуқий қарор қабул қилиш орқали ўз хоҳиш-иродасини намойён этади. Сайловчи бюллетенга белги қўйишда эга бўлган фуқаролар тарзда, ўзининг нуктаи назаридан келиб чиқиб номзоднинг салоҳияти, шу вақтга амалга оширган ишлари ва дастуридан келиб чиқиб, унинг фаолиятига баҳо беради. номзод билан ўз эзгу истакларини боғлайди.

Шубҳа йўқки, ҳар галгидек бу галги Президент сайловида ҳам юртимизда халқ ва давлат ҳокимияти ақидилиги бутун жаҳон оммаси кўз олдида яна бир бор ёрқин намойён топади.

Дилшоза ДЕҲҚОНОВА, ТДЮИ магистранти

«ШАНХАЙ РУҲИ» ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳамкорликда ўтказилаётган маданий тадбирлар сони йилдан-йилга кўпайиб, бойиб бормоқда. Бунда давлат раҳбарларининг гуманитар ҳамкорлик масалаларига эътибори муҳим аҳамият касб этаётди. Бугун ШХТнинг нуфузи ортиб, у фаол сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилотга айланиб бораётган экан, шунга монанд даражада маданий алоқаларни қарор топтириш унга аъзо мамлакатлар халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. 2007 йил август ойида бўлиб ўтган Бишкек саммити кун тартибига ягона маданий макон барпо этиш масаласи ҳам киритилгани бежиз эмас. Бу театр, мусиқа ва санъат фестивалларини ўтказиш, тажриба алмашиш, малака оширишда ҳамкорлик каби тадбирларни назарда тутди. Охирги саммитда маданият вазирилар иштирок этгани ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бу йўналишдаги алоқалар ривожланиш йўлидан бораётганидан далолатдир.

2006 йил июнь ойида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ушбу муҳим йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида ШХТ давлатлари икки томонлама ҳамкорлигининг бой тажрибасига эга эканлиги кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Мазалан, Тошкентда «Росзарубежцентр» халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ваколатхонаси, Г.Пеханов номидаги Россия

иқтисодий академияси, М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ҳамда И.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси, Ўзбекистон поштахоти эса хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт очилгани ҳам яхши мисол бўла олади.

Университетлар қаторида академик доиралар, спорт ва жамоат ташкилотлари, ёшлар тузилмалари ҳам кўплаб ҳамкорлик лойиҳаларини тақлиф этмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитойнинг миллий олимпия қўмиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. Ёш авлод ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга эътибор берилмоқда. Давлат раҳбарлари ёшлар ташкилотларининг ШХТ доирасидаги мулоқотларини кўлаб-қувватлаш борасида келишиб олганлар. Ўзбекистон, Хитой ва Қозғистонда «Болалар эртакларини акс эттириш» кўргазмалари бўлиб ўтди ва бу жараён давом этмоқда. 2008 йилда Хитойда Олимпия йўналиши ўтказилишини, Сочи шаҳри эса 2014 йилги қишки Олимпиада мезбони деб эълон қилинганини таъкидлаш жоиз. ШХТ давлатлари бу тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда яқиндан ҳамкорлик қилади.

Гуманитар ҳамкорлигини ривожлантиришда ШХТ Форуми ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг 2006 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган

таъсис мажлисида Регламент ва Иш режаси қабул қилинган. Регламентда мувофиқ ШХТ Форуми вазифалари сирасига илмий-тадқиқот институтлари ва сиёсатшунослик марказлари ўртасида алоқа ўрнатиш, тажриба ва ахборот алмашиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш, кўп томонлама ҳамкорлик дастурларини экспертиза қилиш, аъзо давлатларни қизқитириш долзарб масалалар бўйича халқаро симпозиум, семинар, илмий-амалий конференциялар ташкил қилиш каби тадбирлар кирди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, Форум таркибига ҳар бир аъзо давлатдан биттадан нуфузли илмий муассасага ўрин берилган. Бу муассасалар ўз давлатининг Форумдаги Миллий тадқиқот маркази мақомида фаолият юритади. Мамлакатимиз томонидан бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бажармоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти улкан салоҳиятга эга, жумладан, гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятларни мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жараёни кузатишганда аъзо давлатлар тобора янги имкониятларни ишга солаётганини, янгиликларни юзага чиқараётганини намойён бўлади. Демак, гуманитар ҳамкорлик ҳам келгусида кенгайиб, янги мазмун касб этиб бораверади.

Анвар БОБОВЕВ, ўАА шарҳловчиси

2007 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Барча жойларда корхоналарни рўйхатга олиш бўйича соддалаштирилган тизим жорий этилди, уларни тутатиш тизими тартибга солинди, солиқ юки камайтирилди, солиқ бошқаруви тизими сезиларли равишда яхшиланди, молиявий ва статистик ҳисобдорлик камайтирилмоқда. Кичик бизнес корхоналарида товарлар ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати 20 фоиздан ошди. Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг умумий сони йил бошига нисбатан 9 фоиз, шу жумладан, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 11,4 фоизга ортди.

г) товарлар ва капитал бозорининг самарали фаолиятини таъминловчи бозор инфратузилмасининг ривожланиши. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси товар-хомуш биржасида умумий савдо айланмиси 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 54,4 фоизга ўсди. Биржа савдолари ва аукционларда сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар, хомуш ҳамда материаллар Ўзбекистон Республикаси товар-хомуш биржаси савдо айланмиси умумий ҳажмининг 86,3 фоизини ташкил этди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларга банклар томонидан кредит акратиш қўлами кенгайди. Реал секторга кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми 10,5 фоизга ўсди.

Иқтисодийётда таркибий ўзгаришлар. Фаол инвестициявий сиёсат ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш 9 ой яқунлари бўйича иқтисодийётда сезиларли ижобий таркибий ўзгаришлар бўлишини таъминлади. Улар, хусусан, ялпи ички маҳсулот таркибида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо улушининг ўсиши билан боғлиқ, ЯИМ да хизмат кўрсатишининг улуши 2006 йилнинг 9 ойидаги 38,9 фоиз ўрнига 40,5 фоизни, кичик бизнеснинг эса 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизни ташкил этди.

ЯИМ да ва иқтисодийётнинг барча тармоқларида нодавлат сектор улушининг ўсиши қайд этилди (2006 йилдаги 77,2 фоиз ўрнига 78,7 фоиз). Аграр секторда хусусий фермер ҳўжаликлари асосий галла етиштирувчиларга (2006 йилдаги 73 фоиз ўрнига 82 фоизини етиштирди) ва пахта етиштирувчиларга (85,6 фоиз ўрнига 99,1 фоиз) айланди. Шунингдек, улар картошка, сабзавот, полз еттиштириш, мева, резавор ва узум етиштириш бўйича ўз ҳиссасини анча кўпайтирдилар.

II. Иқтисодийётнинг асосий тармоқлари ва секторларининг ривожланиш тенденциялари

Саноат. 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат ишлаб чиқариши ўсишининг юқори суръатлари ички инвестиция ва истеъмол талаби, инвестициявий товарлар ва тайёр маҳсулотларга бўлган ташқи талаб ҳисобига ҳамда ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қўрилаётган ташкилий ва иқтисодий қоралар натижасида корхоналарнинг молиявий ҳолати мустаҳкамланиши билан изоҳланади.

Барча ҳудудларда саноат ишлаб чиқариши суръатларининг ўтган йилга нисбатан ўсиши кузатилди, бу борада энг юқори кўрсаткичларга Самарқанд вилоятида (126,3 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасида (122,9 фоиз), Сурхондарё (120,2 фоиз), Андижон (119,7 фоиз) вилоятларида, Тошкент шаҳрида (116,5 фоиз) эришилди.

Тармоқлар бўйича эса энг юқори ўсиш суръатлари қишлоқ саноатида (110,1 фоиз), қора металлургияда (109,6 фоиз), қимё ва нефть-қимё саноатида (118 фоиз), машинасозлик ва металлга ишлов беришда (128,1 фоиз), қурилиш материаллари саноатида (114,2 фоиз), ёнгил саноатда (111,2 фоиз), озиқ-овқат саноатида (112,6 фоиз) кузатилди.

йўлга қўйилди, 20 та корхонада молиялаштириш ишлари бошланди, қурилиш ва жиҳозларни етказиб бериш ишлари яқунланмоқда, 12 та лойиҳа бўйича эса тижорат банклари билан биргаликда 2007-2008 йилларга белгиланган жадвалларга мувофиқ лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва келишув ишлари олиб боришмоқда.

Қимё саноатида натурал шаклда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 фоизга, қимёвий тола ва ип ишлаб чиқариш 45,3 фоизга, синтетик ювчи воситалари ишлаб чиқариш 67,7 фоизга ўсди.

Фаолият юритаётган 7 корхонани модернизациялаш лойиҳаларининг амалга оширилиши энергияни тежовчи замонавий технологияларни жорий этишга, энергия кучланиши жиҳозларни алмаштиришга ва технологик линияларни реконструкция қилишга йўналтирилган. Хусусан, дастурга кўра, «Аммофос» ОАЖ да фосфогипсдан сульфат аммоний ишлаб чиқариш бўйича тажриба-саноат мосламасини қуриш ишлари кўзда тутилган.

Ёғ-мой саноатида 25 та корхона қайта жиҳозланмоқда. «Турон Ҳўжалик», «Чимбой мой» ва «Етгар» ОАЖ ларида экстракция цехларини қуриш ишлари ҳамда «Чимбой мой» ОАЖ да қунаржа экстракцияси линиясини ўрнатиш ниятига етмоқда.

Олиб борилаётган модернизация ишлари ва мой олиниши ҳажмининг кўпайиши натурал шаклдаги ўсимлик мойи ишлаб чиқариши 3,6 фоизга, шу жумладан, тозаланган мой ҳажмининг 6,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Пахта тозалаш саноатида 2007 йил дастурига мувофиқ 7 корхонада, шу жумладан «Узпактасаноат» уюшмасининг 5 корхонасида реконструкция ва модернизация ишлари якунланди. Қўшимча равишда Самарқанд вилоятидаги «Зиёвуддин» (дастурга асосан 2010 йилга мўлжалланган) ва Хоразм вилоятидаги «Янгилик» (2011 йилга мўлжалланган) пахта тозалаш заводларини модернизация қилиш тадбирлари амалга оширилди. «Ҳўжалик», «Пешку», «Хатирчи», «Янгилик», «Зиёвуддин», «Сайхунбод» ва «Бука» пахта заводларида янги пахта тозалаш, линтер, конденсатлар ва тола тозалаш линиялари, 4 та корхонада эса янги пресслаш ускуналари ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Қурилиш материаллари саноатида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 65 та инвестиция лойиҳа амалга оширилди, шу жумладан Самарқанд шаҳридаги «Ятра-инвест» ҳамда Тошкент вилоятидаги «Голд-шифт» қўшма корхонасида шифер, «Полисан Индустриал» қўшма корхонасида полипропилен қувурлар, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қарақалпақверми» шўъба корхонасида вермикулит ишлаб чиқариш, девор қурилишига мўлжалланган материалларни ишлаб чиқарувчи 33 корхона ҳамда маҳаллий қурилиш материалларини чиқарувчи бошқа қатор корхоналар ишга туширилди.

Натижада, 2007 йилнинг ўтган 9 ойида тармоқ корхоналарида цемент ишлаб чиқариш 461,5 минг тоннага (110,5 фоиз), шифер – 61,8 млн. шартли плиталарга (120,7 фоиз), қоплама плиталар – 17,2 минг. кв. метрга (111,3 фоиз), девор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш – 98,5 млн. донага (129,4 фоиз) ошди, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг асосий қурилиш материалларига бўлган қўшмачи таъминланди.

Иқтисодий очор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истикболсиз банкрот корхоналарни сотиш борасидаги чора-тадбирлар. 443 корхонада қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлашти-

риш дастурларини амалга ошириш жараёнида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 364 корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари яхшиланди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватлари негизда шу йилнинг 9 ойи мобайнида 35та янги корхона ташкил этилди.

Истеъмол бозорининг ҳолати. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 19,8 фоизга ўсди. Холодильник ва

музлаткичлар ишлаб чиқариш 2,6 баравар, кондиционерлар – 1,9 баравар, табиий чой – 142,9 фоиз, алко-голсиз ичимликлар – 1,5 баравар, ун – 106,9 фоиз, ўсимлик мойи – 103,6 фоиз, нон ва нон маҳсулотлари – 127,7 фоиз, гилам ва гилам маҳсулотлари – 111,4 фоизга кўпайди.

Истеъмол моллар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши натижасида чакана товар айланмиси 18,4 фоизга ошди. Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида юқори суръатлардаги товар айланишини қузатиш мумкин. Республиканинг умумий товар айланмасида қишлоқ жойлардаги савдо улуши кўпайди.

III. Иқтисодийётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган устувор дастурларнинг бажарилиши

Маҳаллийлаштириш дастури. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1721,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, бу 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баравар кўп демакдир. 163 корхонада амалга оширилаётган 270 дастур доирасида 611,8 млн. АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинди, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар самараси 1373,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш дастурини изчил амалга ошириш натижасида 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида кўрсатилган хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,4 фоиз, шу жумладан пуллик хизмат кўрсатиш – 25,2 фоизга ўсди. Юқори суръатлардаги ўсиш алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (151,8 фоиз) ҳамда автомобиль ва бошқа техникани ремонт қилиш (136,7 фоиз), меҳмонхоналар (129,7 фоиз), транспорт хизматлари (123,4 фоиз) кўрсатишда кузатилди.Тиббиёт, таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида хизмат кўрсатиш каби ижтимоий хизматлар умумий ҳажми 41,7 фоизга ортди.

Йўл қурилиш дастури. Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиш йўллари қуриш, реконструкция ва таъмирлаш бўйича тасдиқланган дастурларга асосан 2007 йилнинг 9 ойи давомида 117,7 млрд. сўмлик ёки белгиланганига нисбатан 100,6 фоиз йўл қурилиш ишлари амалга оширилди. 511 километр узунликдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиш автомобиль йўллари, 162,8 п.м. узунликдаги 4 та кўприк таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусийлаштириш дастури. 9 ойи мобайнида 394 давлат корхонаси, объектлар ва акция пакетлари сотилди, шу жумладан биржа, аукцион ва танлов савдоларида 168 та объект, 7 та корхона нолга тенг қиймат бўйича инвесторларга инвестициявий мажбуриятлар юклатилган ҳолда сотилди.

IV. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳажми 103,5 фоизни ташкил этди. Ўтган йилдаги нисбатан картошка (109,4 фоиз), сабзавот (111,9 фоиз), полз маҳсулотлари (112,8 фоиз), мевалар (110,3 фоиз), узум (112,2 фоиз), гўшт (106,3 фоиз), сут (106,2 фоиз) етиштириш ортди. Шу йилнинг 25 октябри ҳолатига кўра 3,7 млн. тоннадан ортиқ пахта териб олинди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бу борада белгиланган вазифа уудланди.

Ширкатларни фермер ҳўжаликлари айлантириш жараёни деярли якунланди. 329 ширкат ҳўжалиги негизда 25,17 минг фермер ҳўжалиги ташкил этилди. 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра фаолият юритаётган фермер ҳўжаликларининг умумий сони 214,4 мингтани ташкил этди. Уларнинг ихтиёрига 5751,5 минг гектар ер берилган бўлиб, 1611,8 минг нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Фермер ҳўжаликларининг фаолиятини ташкил этиш учун тегишли шароит яратиш мақсадида қўшимча равишда 129 та ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи, 104 та минерал ўғитлар билан таъминловчи шохбча, 305 та муқобил МТП, 71 та минибанк, 229 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бошқалар ташкил этилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида фермер ҳўжаликларида лизинг асосида 3156 та қишлоқ ҳўжалик техникаси тақдим этилди.

Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ҳамда шахсий ёрдамчи ҳўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш дастурини бажариш борасидаги ишлар фаол давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қим ошди савдоси шохбчалари орқали 14734 бош зотдор қорамол сотилди. Шу йилнинг 9 ойи ичида қорамол хариди учун 42,2 минг оилага 33,3 миллиард сўм миқдори-

да имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Чорвачилик билан шўғуланаётган деҳқон ва фермер ҳўжаликларида хизмат кўрсатадиган 159 та омухта ем билан савдо қилувчи дўкон ташкил этилди. Қорамоллар сонининг ўсиши январь-сентябрь ойларида 446 минг бошни ташкил этди, уларнинг умумий сони эса 7270,2 мингга етди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ўтган ҳисобот даврида жойларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишлайдиган корхоналар ўртасидаги кооперацияни ташкил этишга қаратилган дастур доирасида 201 та агрофирма, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка инвестицияланган 35 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги тузилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот ва резаворларни қайта ишлаш ҳажми ошди.

V. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши ҳамда устувор ижтимоий дастурларнинг амалга оширилиши

Умумтаълим тизими, соғлиқни сақлаш, болалар спортини ва ижтимоий инфратузилманинг моддий-техника базасини ривожлантириш. Ўз вақтида тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда бўнакли молиялаштириш натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактаблар қурилишига мўлжалланган марказлаштирилган маблағлар асосан ўзлаштирилди (2006 йилнинг 9 ойида бу ўзлаштириш йиллик кўрсаткичининг 85 фоизини ташкил этган эди).

89735 ўқувчи мўлжалланган 148 та касб-ҳунар коллежи (2006 йилнинг 9 ойи кўрсаткичларига нисбатан 3 баравар кўп), 6930 ўқувчи мўлжалланган 10 та академик лицей (4 баравар кўп), 16609 ўқувчи мўлжалланган 440 та умумтаълим мактаби (2006 йилнинг 9 ойидаги нисбатан 108,1 фоиз), 1095та қабулга мўлжалланган 21 та қишлоқ врачлик пункти, 1387,1 км сув ва 605,2 км газ тармоғи, 5831,4 квадрат метр тураржой ва 168 та (2006 йилнинг мазкур даврига нисбатан 64 та кўп) болалар спортини объекти фойдаланишга топширилди.

Иш билан таъминлаш ва аҳолининг реал даромадлари. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръати аҳолини иш билан таъминлашда, реал даромади ва умуман турмуш даражасининг оқсалишида муҳим омил бўлди. Аҳоли тасаруфидидаги реал пул даромадлари 22 фоизга, ўртача ойлик иш ҳақи эса 49 фоизга ўсди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида 489,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Меҳнат бозорига олиб борилган фаол сиёсат тўғрисида аҳолини иш билан таъминлаш 3,1 фоизга ошди.

Қорамоллар билан тузилган шартномалар бўйича касаначиликка асосланган 81,7 мингта иш ўрни яратилди. Касаначиликка оид кўлаб иш ўринлари пудрат шартномалари асосида ва оилавий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида шу йилнинг 9 ойи мобайнида 114 та «Меҳрибонлик» уйи ҳамда жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган болалар махсус мактаб-интернатлари моддий-техника базасини яхшилаш учун 4,6 миллиард сўм ажратилди. Ўйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ва мебеллар харид қилишга 1,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. 485 минг нафар биринчи синф ўқувчисига дарсқилар ҳамда ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 715 минг нафар фарзандига қишки қийим-бош берилди. 482 минг нафар фахрийга, ёлғиз нафақахўрларга компенсация тўловлари амалга оширилди, 35 минг фахрий санаторийларда ўз соғлигини тиклади, 48 минг кам таъминланган оилага бепул қорамол тарқатилди. Бандликка қўмақлашши жамғармаси ҳисобидан 8 минг кам таъминланган оилага имтиёзли микрокредитлар ажратилди, ногиронлар учун 3 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Дастурни амалга ошириш учун сарфланган маблағ 326,5 миллиард сўмин, шу жумладан бюджет маблағлари 152,8 миллиард сўмин ташкил этди.

2007 йилнинг 9 ойи мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича эришилган салмоқли натижалар Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтисодийн янада эркинлаштириш, макротиқсодий барқарорлигини, иқтисодий ривожланишининг юқори суръатларини ва қабул қилинган дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган таркибий ислохотларни жаддаллаштириш, шунингдек 2008 йилда иқтисодийн изчил суръатлар билан ривожлантириш асосини яратишга йўналтирилган сиёсатининг тўғриллиги ва самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги

Давлат статистика кўмитаси



Фаолларимиз



Партия кўзгуси

ЕТАКЧИ ЖОНКУЯРЛИГИ

дастурий ғоялар тарғиботи ва сиёсий жараёнларда қўл келаётир

Меҳнатни роҳатда, роҳатни ҳаракат ва интилишда, деб билган кишилар ҳеч кам бўлмаганлар. Зеро, интилувчан, ташаббускор ва фидойи инсонлар, ана шу фазилатлари боис ҳам, халқ ўртасида доимо юксак обрў-эътибор орттиришган. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўплаб топилди.

– Вилоят Скрининг марказида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти котиби Зебохон Ашурова ўзининг фаоллиги, жонбозлиги билан кўпчилик назарига тушганлардан, – дейди биз билан суҳбатда ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши иккинчи котиби Аъзам Каримов. – У партия дастурий ғояларини аҳоли, айниқса, жамоадошлари ўртасида кенг тарғиб қилиб, партия аъзолари, хайрихоҳлари сафини тобора кенгайтириб бормоқда...

Зебохон Ашурова меҳнат қилаётган Скрининг марказида бўлди. Ҳамкасблари уни зиммасидаги вазифаларни виждонан бажарадиган жон-

куяр, ўта масъулиятли инсон дея эътироф этишди. Бу ерда дастлабки суҳбатдошимиз марказ бош шифокори Зиёда Облакулова бўлди.

– Марказимиз 2000 йилда ташкил этилган, – дейди бош шифокор. – Шу ўтган давр мобайнида ўнлаб беморлар дардларига шифо топишди. Бунда малакали тиббиёт ходими, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Зебохон Ашурованинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Унинг елиб-югуриши, фидойилиги, қолаверса, партия нуфузини юксалтириш, фаолият таъсирчанлигини ошириш мақсадидаги сазй-ҳаракатлари туфайли ходимларимизнинг аксарияти ўз хоҳиш-истаги билан «Адолат» партиясига аъзо бўлишди. Айтганча, Зебохон айти кунларда сайловолди тадбирларида ҳам фаоллик кўрсатапти.

Дарҳақиқат, сиёсий партиялар халқ билан ҳокимият ўртасида муҳим бўгин вазифасини бажарар экан, бунда уларнинг асосий фаолияти фуқароларнинг сиёсий

фаоллигини оширишдан иборатдир. Бинобарин, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ўзгаришларни, ислохотларни фуқароларга етказиш, бу жараёнларга қизиқиш уйғотиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда уларнинг фаол иштирокини таъминлашда бошланғич ташкилотлар кўп ишга қодир. Шу маънода, вилоят Скрининг маркази бошланғич партия саркобимининг ҳаракатчанлиги, интилиши туфайли «Адолат» СДПнинг роли ва ўрни кун сайин ортб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Айни кунларда Зебохон Ашурова ташаббуси билан нафақат ўзи меҳнат қилаётган жамоада, балки бошқа турли корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасалари, шифохоналар ва маҳалаларда ҳам кўплаб тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилляпти. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ташкил қилинётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда «Давлат бошқарувини

янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини қучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун аҳамиятига бағишланган учрашувлар, жонли мулоқотлар, айниқса, самарали бўлаётти. Уларда Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик ислохотларни изчил амалга оширишда сиёсий партияларга кенг имкониятлар яратиб бергани ташкилотларимизда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайлов партиялар ва унинг аъзолари учун муҳим синов эканлигини таъкидланмоқда.

Президент сайлови партиямиз ва унинг аъзолари зиммасига катта масъулият юклатди, – дейди Зебохон Ашурова. – Албатта, бу ишда биз, партия котибларидан алоҳида жонбозлик талаб этилади. Ҳозир маҳалаларда, тиббиёт муассасаларида бўлиб фуқароларни ташвишлантираётган муаммоларни тегишли ташкилот-

лар билан биргаликда ҳал этаймиз. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятини кенг тушунтираямиз. Шу билан бирга, аҳоли партия Низоми, Фаолият дастури ва ғоялари билан ҳам таништириб борилмоқда. Хайрихоҳларни ўз сафимизга қабул қилаймиз. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, мустақиллик йилларида жойларда олиб борилган кенг ишлар туфайли аҳоли ўртасида партиянинг нуфузи анча орди. Сафдошларимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги кучайди.

Ҳа, ҳар ишда сафдошларига камарбаста бўлаётган Зебохон Ашурова бугун партиянинг ҳақиқий жонқуяри. Партия сафини ҳар томонлама билимдон, зукко, сиёсий етук кадрлар билан кенгайтиришда унинг астойдил ҳаракатлари катта самара бераёттир.

Комил САХАТОВ,
«Адолат» муҳбири

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРДИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгаши фаоллари ўз дастурий ғоя ва интилишларини турли суҳбатлар, мулоқотлар орқали аҳоли ўртасида кенг қўламда тарғиб қилишмоқда. Бу борада Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали билан ўзаро ҳамкорлик яхши самара бераёттир.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Қизилқилмиш, мулоқотларга бой бўлган давра суҳбати «Жамиятни демократлаштиришда сиёсий партиялар фаоллиги масалалари» мавзусига бағишланди. Тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят Кенгашининг хотин-қизлар ҳамда ёшлар қанотлари аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатига сўзга чиққанлар мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда «Адолат» социал-демократик партиясининг иштироки ҳамда фаоллигини кучайтириш борасида ўзларининг қимматли таклифларини билдиришди.

– Партия нуфузини оширишда аъзоларимизнинг ташкилий-сиёсий тадбирлардаги фаоллигини таъминлаш низоҳатда муҳим аҳамиятга эга, – деди, жумладан вилоят партия Кенгаши котиби Тоҳирхон Ғофоров. – Айниқса, ўз электоратимиз орасида кўпроқ иш олиб боришимиз, сафаримизни фаол ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайтиришимиз лозим.

Давра суҳбати қизгин баҳслар ва тортитувлар асосида ўтди.

ЁШ ВА ФАОЛ АДОЛАТЧИЛАР

Ёшлар билан ишлаш, уларни партия сафига жалб қилиш борасида «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу йўналишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик битими асосида иш олиб бориляпти.

Ана шу ҳамкорлик натижаси ўларок, Гулистон шаҳрининг «Бўстон» маҳалласида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ислохотлар жараёнига уларни кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда «Сафар» адвокатлик идораси ходими Моҳиғул Мусаева сўзга чиқиб, бу ерда партиянинг «Ёш адолатчилар» қанотини тузиш тўғрисидаги таклифни илгари сурди.

Худди шунингдек, вилоят партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти ҳамда Ховос туман Кенгаши ташаббуси билан Ховос темир йўл касб-хунар коллежида бўлиб ўтган тадбир ҳам зўр уюшқоқлик билан ташкил этилиб, кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Қолаверса, Гулистон Давлат университетида «Энг сариштали хона» кўрик-танловининг ташкил этилгани, голибларни тақдирлаш учун ҳомийларнинг жалб этилгани вилоят партия Кенгаши ёшлар қаноти фаоллиги, ташаббускорлигидан дарак берди.

Э.САИДОВ,
«Адолат» муҳбири



Фаолит

БЕМИННАТ МОЛИЯВИЙ КЎМАК

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ва агрофирмалар фаолиятини ривожлантиришда катта самара бермоқда

Мамлакатимиз агроносот тармоғида кенг қамровли ислохотлар босқичма-босқич изчил давом эттирилямоқда. Хусусан, агрофирмаларга берилган солиқ имтиёзлари, солиқдан тежасан маблағларнинг боғ-роғлар ва узумзорларни кенгайтириш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилиши соҳада ўнлаб инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга замин яратаяпти. Бунинг самараси ўларок, юртимизда етиштириляётган хилма-хил мева-сабзавот, узум маҳсулотлари, улардан тайёрланган консервлар ҳажми, узок-яқин мамлакатларга қилинаётган экспорт миқдори сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Соҳадаги ислохотларни, табиийки, етарли моддий ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Мамлакатимизда фаолият юртияётган банк-молия муассасалари агроносот мажмуидида катта имкониятларни сафарбар этиш учун соҳибкорларимиз билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйди. Бугун ана шу ҳамкорлик натижаларини кўриб туришимиз: халқимиз дастурхонидан йил ўн икки ой арзон мева-чева, полз маҳсулотлари, кўкатлар ариямаяпти.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусийлаштирилиши, қишлоқ хўжалиқидида ислохотлар – ширкат ва жамоа хўжалиқлари ўрнида фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши банк хизматларида бўлган талабни кескин оширди. Ҳозир ҳапто энг чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам банкларнинг қўйи тузилмалари – юзлаб мини банклар самарали иш олиб бормоқда. Қўйида мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрни тутган тўртта банк – Халқ банки, «Пахта банки», «Савдогарбанк» ва «Микрокредитбанк»нинг Тошкент вилоятидаги филиаллари ҳамда мини банклари томонидан Президентимизнинг 2006 йил 11 январиди «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, қолаверса, фермер хўжалиқларига намунали хизмат кўрсатиш борасида амалга ошириляётган ишлар хусусида ҳисоб қиламиз.

ХАЛҚ БАНКИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда банк тизимида талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш турлари кўпайиб бормоқда. Жумладан, Президентимизнинг қароридида тилга олинган ҳудуддан сўнг Халқ банки Тошкент вилоят бўлими томонидан янги ташкил этилган фермер хўжалиқлари, агрофирмалар ва бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилляётган банк хизматлари қўламини кенгайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Банкнинг Паркент филиалида «Қорақалпоқ» ва «Заркент», Бўстонлик филиалида «Сойлик», Оҳангарон филиалида «С.Раҳимов», Зангиота филиалида «Назарбек», Келес филиалида «Кўктерак», «Кизғалдоқ», «Ўзбекистон» ва «Фозилов» мини банклари ташкил этилди. Айни пайтда мазкур мини банклар ўша ҳудудларда яшовчи 9553 нафар фуқаро ва 1256 та хўжалик юритувчи субъектга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.


Қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан, агрофирмалар фаолиятини ривожлантириш мақсадида банк маблағлари ҳисобидан молиявий ресурслар ажратилмоқда. Масалан, банкнинг Паркент туман филиалида фаолият кўрсатаётган «Зар-

кент қахрамони» агрофирмасига 10 миллион сўм миқдоридида кредит маблағи берилди. Натижада агрофирма ўз фаолиятини кенгайтириб, янги иш ўринларини яратди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш сифати яхшиланди, иқтисодий самарадорлик сезиларли даражада ошди. Бугунги кунда агрофирма фаолиятини янада кенгайтириш, ривожлантириш мақсадида банк томонидан қўшимча маблағ билан таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Чиноз туманидаги «Қорақалпоқ фруктит» агрофирмаси ҳам банкнинг молиявий қўмағидан баҳраманд бўлди. Агрофирма учун ажратилган 5 миллион сўмлик имтиёзли кре-

дит қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омбори барпо этиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва технология хизматидан янгилаш имкониятларини яратди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банкнинг вилоят бўлими ва унинг жойлардаги шохобчалари фаолият доирасини йил сайин кенгайтириб, ўз номига яраша халқимизга муносиб хизмат кўрсатиб келмоқда.



МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Давлат акциядорлик тижорат «Пахтабанк» мамлакатимиз қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатишда катта таъриба ва имкониятларга эга бўлган йирик молия муассасаларидан бири саналади.

Банкнинг пойтахт вилоят филиалида мева-сабзавотчилик ҳамда узумчилик ширкатлари неғизидида ташкил этилган фермер хўжалиқлари ва агрофирмаларга хизмат кўрсатишнинг янги шакли – олтига мини банк ташкил этилган. Улар шу кунларда 1284 та юридик шахсга хизмат кўрсатиб, мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжалиқларига 505,3 миллион сўм миқдоридида кредитлар ажратди. Мазкур маблағнинг асосий қисми имтиёзли бўлиб, агрофирмалар ва деҳқон хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш,

Агрофирмалар билан банк ўртасидаги бундай самарали ҳамкорлик, табиийки, мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга катта улуш бўлиб қўшилмоқда. Энг муҳими, қишлоқ хўжалик ширкатлари ўрнида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектлари пайдо бўлишига шароит яратилди.

МИЖОЗ – БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК – МИЖОЗ УЧУН

«Микрокредитбанк»нинг Келес филиалида ушбу қондага қатъий амал қилинмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ислоҳ қилишга қиришилиши билан банкнинг Келес филиали томонидан ташкил этилган «Абдурахмонов» мини банки бугун собиқ ширкат ҳудудида фаолият юртияётган 35 та фермер хўжалигига самарали хизмат кўрсатишмоқда.

нинг тез, сифатли амалга оширилишини таъминламоқда. Банк филиали эришяётган ютуқлар ҳам шунга яраш бўлаётти.

Айни пайтда «Абдурахмонов» мини банки томонидан миқозларга ажратилган маблағларнинг жами кредит қўйилмаси 19161,6 минг сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. Ушбу молиявий маблағларнинг 2980,8 минг сўми имтиёзли тарзда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорвачиликни ривожлантиришга, 5960,16 минг сўми эса иш билан таъминлинишга қўмалашинишга (дават жамгармаси маблағлари ҳисобидан) ва эҳтиёжманд миқозларга микрокредит сифатида йўналтирилди.

Банк ўз вазифаларидан келиб чиқиб, икки нафар миқозини 10 миллион 200 минг сўм микрокредит ҳамда яна бир миқозини 3 миллион сўм миқдоридида истеъмол кредити билан таъминлади.

Бундан ташқари, мини банкда аҳоли кенг қатламга замонавий банк хизматлари кўрсатиш, айниқ-

са, турли тўловларни амалга оширишда ибратли ишлар қилинапти. Бунда, биринчи навбатда, тўлов ҳужжатлари мини банкларда расмийлаштирилиб, шу ернинг ўзида тегишли ҳисоб рақамларига ўтказилляган миқозларга жуда мақбул бўлмоқда. Қуллас, мини банклар келгусида кўпроқ корпоратив миқозларни жалб этиш ҳамда кредит ажратиш механизмининг янада соддалаштириш, шунингдек, миқозлар эҳтиёжини қисқа муддатларда ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишяпти. Бу эса, ўз навбатида, «Микрокредитбанк»ка миқозлар ишончини янада оширмоқда. Банкнинг деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳамда агрофирмалар билан яқин ҳамкорлиги эса ер участкаларида ҳосилдорлигини орттириш, сабзавот ва мева маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштиришга қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

АГРОФИРМА КОШИДА МИНИ БАНК

Ўзбекистон – Германия АТ «Савдогарбанк» бошқаруви мамлакатимизнинг йирик банк жамоаларидан бири ҳисобланади. Йилдан-йилга ўз фаолиятини кенгайтираётган банк миқозлар сони ҳам тобора ошиб бормоқда. Масалан, сўнгги пайтларда пойтахт вилоятининг Қибрай, Зангиота, Келес банк бўлимлари фаолиятида хизмат турлари сезиларли даражада орди. Янги ташкил этилган агрофирмалар, фермер хўжалиқлари ва аҳоли масканларига яқин жойларда мини банклар ташкил этилиб, қатор қулайликлар вуҷудга келтирилди.

Зангиота бўлими томонидан «Зангиота имкон борака» агрофирмаси қошида алоҳида мини банк очилганининг ўзиде муассасанинг замон билан ҳамнафас фаолият юртияётганидан далолат. Мазкур мини банкнинг иш бошлаши қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ҳудуд аҳолисини туман марказига қатнаш таъшишидан халос этди.

Бугунги кунда Қибрай ту-

манида мева-сабзавот ва узум етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган ўнла агрофирма, ўнлаб фермер хўжалиқлари фаолият юртимоқда. Уларнинг аксариятига банкнинг Қибрай филиали хизмат кўрсатмоқда. Эътиборлиси, фермер хўжалиқлари ва агрофирмалар ўз фаолиятларини бевосита «Савдогарбанк» кредитлари ҳисобидан юритмоқдалар. Бунинг учун банк ўтган қисқа давр мобайнида жами 257 миллион сўмлик кредит ажратди. Масалан, шу йил бошида банкнинг 132 миллион сўмлик моддий қўмағи ҳисобидан «Туронзамин АгроФайз» агрофирмаси «Класс Доминатор-130» комбайнини сотиб олди.

Тошкент туманидаги «М.Фозилов-Нур» агрофирмаси асосан узумни қайта ишловчи саноат корхоналарига маҳсулот етиштириб беради. Агрофирмада бу йил банкнинг Келес бўлими томонидан ўтказилган 200 миллион сўмлик аванс пуллари ҳисобига қарийб 5 минг тонна узум етиштиришга муваффақ бўлиди. Шунингдек, сабзавот ва галла етиштиришга ихтисослашган «Кўктерак-Ҳосилот-Файз» агрофирмасига берилган 96 миллион сўмлик кредит ҳам катта самара келтирди.

Тумандаги «Кўксарой ер миришкор» агрофирмаси банк кредит маблағлари асосида «Класс Доминатор-130» русумли комбайн харид қилиб, галла ўрими масъулини қисқа муддатларда туғатишга муваффақ бўлди. Айни пайтда агрофирма тумандаги бошқа фермерларга ҳам хизмат кўрсатди. Келес туманида ташкил этилган 3 та агрофирмада ҳосилдорлигини яхши бўлишида ҳам банк томонидан вақтида ўтказиб берилган аванс пуллари асосди.

Ҳуллас, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланда банкларнинг қўмак доираси тобора ошиб бораёпти. Бунинг биргина Тошкент вилоятидаги тижорат банклари томонидан самарали банк хизматлари кўрсатиллягани, бу халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, дастурхонимиз фазл-баракасини орттириш учун қулай шарт-шароитлар яратяётганидан ҳам билиш мумкин.

Насиба ИСМАТОВА,
«Адолат» муҳбири




БЕБАҲО МЕРОС ҚАДРИ

Ўзбеклар дунё маданиятига улкан ҳисса қўшган, улугвор обидалар бунёд этган халқдир. Аждодларимиздан бизга жуда катта илмий ва маданий бойлик мерос қолган. Доғруғи етти иқлимга кетган Самарқанд Бухоро, Хива Кўкон, Шахрисабз, Тошкент ва Марғилон каби асим шаҳарларимиздаги бетақдор меъморий обидалар, иншоотлар, тарихий осори-атиқалар муқаддас мулкимиз саналади. Айни пайтда улар жаҳон маданий меросининг таркибий қисми, инсоният цивилизациясига қўшилган улкан ҳиссадир.

Қадимий меъмориликнинг бетақдор дурдоналари мустақил мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларидаги ноёб ва бебаҳо меъморий ёдгорликлар сифатида эҳтиёткорлик билан сақлаб келинмоқда. Жумладан, Самарқанддаги Гўри Амир ва Шохизинда макбаралари, Улугбек, Шердор, Тиллакорий макбаралари, Бибиноним жоме масжиди, Бухородаги Катта минора, Жоме масжиди, Мир Араб, Кўкалдош, Улугбек макбаралари, Ис-

моил Сомоний макбараси, Шахрисабздаги Оксарой, Хивадаги Ичанқалъа, Пахла-вон Махмуд макбараси, Ис-ломухўжа минораси, Кўқон-даги Ўрда ва бошқалар шулар жумласидан.

Истиқлол йилларида исломий обидаларни таъмирлаш ва асл қиёфасига келтириш ва, умуман, меросга эътибор кучайди, тарихий ёдгорликларнинг барчаси қонуний асосда давлат назоратига олинди. Маданий ва тарихий меросни асраш, исломий



обидаларни, биринчи навбатда, XIV-XV асрларда, яъни Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган обидаларни таъмирлаб, келажак авлодга етказиш йўлида тартиб-ражада маблағ ажратилди, куч-ғайрат билан меҳнат қилинди. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги обидалар асл қиёфасига келтирилди. 2001 йили Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар "Бутун жаҳон маданий мерослари" рўйхатига киритилди. Пойтахт Тошкентдаги Абулқосим, Бароқхон ва Кўкалдош макбаралари, Юнусхон, Зийниддин бобо ва Кафқол Шойиш макбаралари, Шайхонтохур макмуаси ҳамда бошқа тарихий ёдгорлик бинолари ҳам авайлаб асралмоқда, вақти-вақти билан таъмирлаб турилибди. 1991-2007 йилларда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига мустақил тузум даврида ярим хароба ахволга келиб қолган XIV-XV асрларга мансуб ёдгорликлар – Самоний макбараси, Калон масжиди, Мирараб макбараси, Арк девори, Пахлавон Махмуд макбараси, Худоберхон ўрдаси, Кўк Гумбаз макмуаси, Одина масжиди, Бек-кент, Абдулазизхон, Қиличбой

мадрасалари ва бошқа обидалар таъмирланиб, сақлаб қолинди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бутун умрини иймон ва эътиқод, илм-маърифат ва диний йўлида бахшида этган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридиди, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Махмуд Замахшарий каби улуг алломаларимизнинг қадимжолари ободонлаштирилиб, ёдгорлик мажмуалари барпо этилди. Уларнинг номлари улуғлан-ди, зиёратгоҳлари обод этилди. Шу билан бирга, Махмуд ми Азам, Хожак Ахрори Валий ҳамда Сурхондарё вилоятидаги Оқ Остона бобо зиёратгоҳларида улкан ҳажмда қайта тиклаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Улуг авлиё, улкан файласуф ҳазрат Баҳауддин Нақшбанд, буюк мутасаввиф олим хожак Абдуллоҳиқ Фихривонийга ҳам муносиб ёдгорликлар ўрнатилди. Мустақиллик шарофати билан Самарқандда Имом Бухорий, Имом Мотуридиди, Фарғона ва Кувдада Аҳмад Фарғоний меъморий мажмуалари, Тошкент, Самарқанд ва Шахри-

сабзда Соҳибқирон Амир Темур, Тошкентда Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Андижонда Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Навоий шаҳрида Ҳазрат Алишер Навоийга ёдгорликлар ва мажмуалар барпо этилди. Марғилонда Бурхониддин Марғиноний макбараси қад кутарди.

Тарихий обидаларнинг мустақиллик йилларида қайта тикланганини, таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилгани боис янгича қадрият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу хайрли ишларга шахсан Юртбошимиз раҳнамолик қилмоқда. Мамлакатимизда исломий қадриятларга юксак эътибор хорижликлар томонидан ҳам эътироф этилаётган. Чунки, Мисрдаги Хелван университетининг декани Мерфат Шарбош Ўзбекистон раҳбариятининг ислом обидаларини қайта тиклаш ва асраб-авайлашга йўналтирилган мақсадли сиёсати боис бутун дунё ўзбек халқининг инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганидан далолат берувчи Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги меъморий ёдгорликлардан, осори-атиқалардан баҳраманд бўлмоқда, деб таъкидлайди.

Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш, албатта, маданий ёдгорликларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрлигимизга боғлиқ. Халқимизнинг ўтмишга оид ҳақиқат сир бўлиб келатган, очилмаган саҳифаларини тадқиқ этишимиз учун ҳам маданий ва тарихий ёдгорликларнинг кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз керак.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Ифтихор

Таълим

КОЛЛЕЖДА ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНА

Инсон китобдан ўзи учун зарур ҳаётий йўл-йўриқларни, билим ва тарбияни, олижаноб ғазилатларни ўрганади. Шу боисдан ҳам кутубхона чинакам зиё маскани ҳисобланади.

Хар қандай кишининг маданияти унинг китобга муносабатига қўрилади. Шу маънода, бугунги кунда китоб ўқишни, мутлоақа қилишни одат этганларнинг сони камайиб бораётгани кишини ташвишга солади. "Китобсиз, – деган эди давримизнинг улуг адиби Чингиз Айтматов, – инсоният ўзини йўқотади".

Албатта, китоб ўқиш, мутлоақада кутубхоналарнинг ўрни бекиёс. Ҳўш, бугун мазкур маънавий масканлари китобсеварларга кўнгилдагидек хизмат қўрсатаётганини, ўқиш учун кутубхоналарда барча шарт-шароит мавжудми?

Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилингандан сўнг юқоридаги каби саволларга ижобий жавоб топилди. Ушбу қарордан кейин академик лицей ва касб-хўна кўлининг таркибига кутубхоналарни замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот-ресурс марказларига (АРМ) айлантиришга киришилди.

Бугун ахборот технологиялари асосида жамиятни ривожлантириб боришда, замон билан ҳамнафас қадм ташлашда турли-туман босма адабиётлар, компьютер технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланишнинг ўрни бекиёсдир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг қарори "Эртага кутубхоналар қандай бўлади?", деган саволга тўла-тўқис жавоб берибди. Қарорда замон талабларини ҳисобга олган ҳолда, кутуб-

хона тармоғини такомиллаштиришнинг турли жиҳатларини, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолтиришга йўналтирилган янги ахборот марказларини ташкил этиш вазифа қилиб қўйилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида республика-миз вилоятларида ахборот-кутубхона, шунингдек, таълим тизимидagi кутубхоналар негизда ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Улар энди нафақат ўқувчиларга, балки аҳолига ҳам хизмат қўрсатмоқда.

Ана шундай марказлардан бири Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хўна коллежидида фаолият қўрсатмоқда. Ушбу марказ коллеж кутубхонаси ҳамда Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли М.Шайхонда номидаги кутубхона негизда ташкил этилган бўлиб, ҳозир 40 мингдан ортиқроқ китоб фондига эга. Марказ яқинда коллежнинг қайта қурилган биносига кўчиб ўтди. Олти кенг, ёруғ хоналарда жойлашган АРМ коллеж ўқувчилари билан бир қаторда кенг аҳоли қатламига ҳам хизмат қўрсатмоқда.

Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, коллеж раҳбарияти, – дейди ўқув юрти директори, Республикада хизмат қўрсатган ишлар мураббийи, профессор Жа-сур Қулмухамедов, – асосий

эътиборни АРМни зарур техник воситалар билан таъминлаш, электрон каталогларни шакллантириш ва энг асосийси, марказ ходимларининг малакасини оширишга қаратмоқда. Зеро, кутубхона технологияларини автоматлаштирмасдан туриб, хизмат қўрсатиш сифати ва маданиятини юксалтиришнинг имкони бўлмайди.

Таъкидлаш лозимки, коллеж қошидаги ахборот-ресурс марказида ишлаш тартиби аҳолига, мутахассис ва тадбиркорларга қандай ахборот зарурлигига қараб, кетма-кетлик тартибидида тузиб чиқилиши лозим. Масалан, маънавий-маърифий ишлар бўйича (жумладан, диншунослик ҳақида), саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо. Агар тадбиркор АРМга бирор замонавий технология бўйича мурожаат қилса, энг сўнгги ютуқларга асосланган маълумотни ола билиши ва иш фаолиятида ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Буларнинг барчаси марказ ходимларидан чўқур билим ва малакавий кўникмани талаб қилади.

Айни пайтда, коллежнинг ахборот-ресурс маркази фондидagi барча ҳужжатлар тўғрисидаги библиографик маълумотлар асосида электрон кутубхона шакллантирилади. Умуман олганда, коллеж қошида ахборот-ресурс марказининг тузилиши давр талаби бўлиб, бу маскан мамлакатимизда ташкил этилган тўққиз юздан ортиқ АРМлар қатори давлатимиз раҳбарининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қароридида белгилаб берилган вазифанинг амалга оширилишида муҳим омили бўлади.

Шавкат ЁҚУБОВ

Қилмиш-қидирмиш

ЯШИРИН ФАОЛИЯТГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ноқонуний тадбиркорликка барҳам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу нақд пул маблағларининг ноқонуний айланиши манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш, худёна иқтисодиётга барҳам бериш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундиришга хизмат қилаётган. Масалан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайлида 1084 та текширув ва тадбирлар ўтказилди, 604 та жиноий ва 385 та маъмурий иш қўзғатилди. Давлат бюджетига қўшимча ҳисобланган солиқ, қўлланилган молиявий жараимлар ва мавжуд боқимандалар ҳисобидан жами 7,6 миллиард сўм маблағ ундирилди.

Бошқарма томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш борасида олиб борилган тезкор-таҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 179 та ҳолатда 18,4 миллиард сўмлик ноқонуний товар-пул айланиши аниқланди. Шундан 9,7 миллиард сўмлик нақд пул тушумларини НКМдан фойдаланмаслик, 15 миллиард сўмдан ортиқ нақд пул тушумларини банкка топширмаслик ва 1,5 миллион сўмлик товарларни улгуржи сотиш тартибини бузиш ҳолатларига тўғри келди. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан "Control Servis" ҳусусий корхонаси фаолияти юзасидан ўтказилган таҳлилий текширувда корхона раҳбари А.Сирожиiddинов 2007 йилнинг май-июль ойлари давомида пул ўтказиш йўли билан олинган махсусотлар савдосидан тушган 4 миллион 700 минг сўм пул маблағини банкка топширмаслик маълум бўлди. Удабурон раҳбар, шунингдек, 200 миллион сўмлик товар айланишларини амалга оширган ҳолда, туман ДСИга топширган ҳисоботларида бундан кўрсатмасдан, давлат бюджетига 1 миллион 700 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келган. Ушбу ҳолат юзасидан корхона раҳбарига нисбатан

ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми "б" банди, 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, ҳисоб рақамидagi 11 миллион 485,6 минг сўм пул маблағлари хатланди.

Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли махсусотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида тезкор-қидирув ишлари олиб борилиб, бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ноқонуний ишлаб чиқариш, мамлакат ҳудудига олиб кириш, муомалага киритишга оид 102 та давлат ҳуқуқбузарлардан 188,3 миллион сўмлик этил спирти ва алкогольли махсусотлар олиб қўйилди. Сифатсиз алкоголь махсусотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланган 8 та яширин цех фох этилди. Бундай "фаолият" билан машғул бўлиб келган "тадбиркорлар"нинг бунга қадар ўнлаб, юзлаб инсонларнинг соғлиғига зиён етказиб, ҳаётига хавф туғдириб келишгани, айниқса, ачинарлидир.

Дароқе, яширин цехларда турли хил махсусотлар ишлаб чиқарилаётгани аниқланиб, 63,8 миллион сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди ҳамда 16 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Бундан ташқари, ўтган вақт ичида мамлакат ҳудудига товарларнинг ноқонуний киритилиши ва савдога чиқарилишини фох этувчи 334 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Олиб қўйилган товарлар сотишдан 1 миллион сўм маблағ бюджетга туширилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш, қонун ҳужжатларига амал қилиш тушуинчасини шакллантириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда профилактика тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Бу яхши самара бериб, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга ихтиёрий равишда 232,8 миллион сўм ундирилди.

Алҳам БОБОЖОНОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги
СВОЖЛИК Департаменти
Тошкент шаҳар бошқармаси бўлими
бошлиғи ўринбосари

Куз фаслида ҳоҳ хонада ўтириб, ҳоҳ табиат қўйнида меҳнат қилаётган кишилар бўлсин, об-ҳавонинг салқин шабадасини сезади. Ҳали салқин об-ҳавога мослашмаган организмда ўзгаришлар юз беради. Айни шу пайтда тумов, тез-тез акса уриш кузатилади, сурункали бод ва нафас йўллари касалликлари, бўғин ва бўйрак хасталиклари бор кишилар безоматланади.

Куз ҳавосида бундай кишилар иссиқроқ кийинишлари, оёқ-қўлларини совуқ сувга урмасликлари, булутли, ёмғирли кунларда ўзларини эҳтиёт қилишгани маъқул. Жамоат жойларида, кўча ёки автобусларда гигиена қоидаларига амал қилиш лозим. Чунки тумов акса уриш орқали тез тарқалади.

Шамоллаганда баъзи киши-

лар укол-дорига ружу қўйса, айримлар умуман шифокорга учрамай, "ўзи ўтиб кетади" қабилида касаллиқнинг асорат қолдиришга сабабчи бўлади. Аслида фақат дори-дармонга ружу қўйиш ҳам хавфли. Чунки таркибида кимёвий моддалар бор бўлган, иктемол меъдери бузилса, акс таъсир қўрсатиши мумкин. Шунинг учун дола-

нишда доривор гиёҳлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Доривор гиёҳлардан фойдаланишда улар ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим. Масалан, гриппга чалинганда саримсоқ, ачиқ гармдори истеъмол қилиш фойдали. Бироқ сурункали бўйрак касаллиғи бор кишиларга уларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Одатда, табиий доривор ўтлардан фойдаланганда уларни қисқа муддат қайнатиб, сўнг 5-6 соат иссиқ матога ўраб, тиндириб қўйилади. Тобига келган дамбада ҳар кун 3-4 маҳал ярим пиёладан ичиб турилади. Тумов ёки гриппда, албатта, бузилса, акс таъсир қўрсатиши мумкин. Шундай ҳолатда бир бош пиёз (қизиқ) ва бир-икки

дона саримсоқ бўлакчалари кир-

гичдан ўтказилиб, суви сиқиб олиниб, ётиш олдида бир-икки томчи бурунга томизилади. Бу муолажа икки-уч кун такрорланса, шамоллаш ва гриппнинг тузалishiга яхши таъсир қилади. Қадимда шамоллашни ҳар хил усулларда даволашган. Ўзининг тажрибаларига таянган машҳур шифокор Кнейп шамоллаб қолган, ҳарорати юқори беморларга муздай сув тўлдирилган ваннада бир дақиқа ётишни, сўнг жун пайпоқ кийиб, хонада ўн беш дақиқа ботиним тез-тез юришни тавсия этган. Бир кун бир бемор Кнейпга унинг айтганини қўлаб, ўлиб қолаётганлиги ози қолганини ай-

тади. Кнейп хайрон бўлиб: "Ваннада роппа-росса бир дақиқа турдингизми?", деб сўрайди. "Нафақат бир дақиқа, беш дақиқа турдим", деб жавоб беради бемор. Кнейпнинг юзида қўрқув пайдо бўлади. Хулоса шуки, даволашнининг тартиб-қоидалари арзимасдек туюлсада, уни айнан қўрсатилганидек бажармаслик мулоҳазани йўққа чиқаради ва ҳатто касаллиқни оғирлаштириб юбориши ҳам мумкин. Албатта, ҳар қандай касаллиқни даволашдан кўра, уни олдини олган маъқул. Бу эса биздан фасл ўзгаришида соғлиғимизга эҳтиёт бўлишни, уни асраб-авайлашни талаб этади.

МАҲМЕДОВА

Инилеев таркибни

ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Хабарингиз бор, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари Осиё минтақаси бахсларида иштирок этипти. Уй-савфат тизими асосида уюштирилган дастлабки босқичда ҳамюртларимиз Хитой Тайпейи вакиллари қарши майдонга тушмоқда.

Дастлабки учрашув 13 октябр кунин Тошкентдаги МХСК стадионида ўтказилиб, унда буюқ Рауф Инилеев шогирдлари 9:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Энди терма жамоамиз 28 октябр кунин Хитой Тайпейида жавоб ўйинини ўтказида. Кунин кеча Рауф Инилеев ушбу учрашувда майдонга чиқадиган ўйинчилар рўйхатини эълон қилди.

Илк ўйин натижасига кўра кейинги босқич масаласини ҳал қилган терма жамоамиз бош мураббийи бу учрашув олдида Павел Соломин («Сатурн», Россия)ни

ҳисобга олмаганда, бошқа бирор та легионер футболчиларимизни безомта қилишни лозим топмади. Энди футболчиларимиз Хитой Тайпейига қўйидаги таркибда йўл олмоқда:

Дарвозабонлар – Игнатий Нестеров, Темур Жўраев (иқкаласи ҳам «Пахтакор»дан), химоячилар – Анвар Гафуров, Хайрулла Каримов («Машъал»), Илом Иномов, Илхом Суянов, Камолддин Тожиов («Пахтакор»), Бахтиёр Ашурматов («Қурувчи»), ярим химоячилар – Тимур Копадзе, Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров («Пахтакор»), Виктор Карпенко, Азиз Хайдаров («Қурувчи»), Ҳамза Каримов («Машъал»), ҳужумчилар – Павел Соломин («Сатурн», Россия), Виктор Клишин («Машъал»), Шавкат Саломов («Қурувчи»), Анвар Солиев («Пахтакор»).

Журналистлар

яшил майдонда

Шу кунларда пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида минин футбол бўйича «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун ўтаётган турнир ҳал қилувчи паллага кирди. Ўзбек футбол фидойиларидан бири Олим-



жон Акбаров хотирасига бағишлаб учинчи маротаба ташкил этилаётган мазкур мусобақада телевидение, радио ҳамда даврий нашрларда фаолият қўрсатган ижодкорларнинг ўн саккиз жамоаси голиблик учун баҳс юритмоқда.

Кеча гуруҳ учрашувлари нихосига етди. Энди қўйидаги натижалар қайд этилди: «А» гуруҳи: МТРК – «Жамият» - 2:5; «Инсон ва қонун» – «Хонадон» - 2:2. «В» гуруҳи: «Хуқуқ» – «Наврўз» FM - 0:7, ЎзДЖТУ – «ХХI аср» - 10:3, «С» гуруҳи: «Ватанпарвар» – «Маърифат» - 1:6; «Машъал-садо» – «Тошкент ҳақиқати» - 1:1. «Д» гуруҳи: «Ўзбекистон овози»

– «Ўзбекистон футбол» - 6:6.

«Спорт» TV – «Хордик» - 5:0.

Мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа чорак финал босқичига йўлланма олади. Бугун ўтказилган тўрт учрашувдан сўнг ярим финалчилар номи маълум бўлади. Унда МТРК – ЎзДЖТУ, «Наврўз» FM – «Жамият», «Маърифат» – «Ўзбекистон овози», «Ўзбекистон футбол» – «Машъал-Садо» жамоалари ўзаро куч синашади.

Турнир голиб ва совриндорлари номи 28 октябр кунин аниқланади.

Эркин ХОЛБОВО
Муҳаммад АМИН олган сурат.

ЁНФИНДАН САҚЛАНИНГ

Инсоният қадимдан оловдан ўз эҳтиёжларини учун фойдаланиб келган. Бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли бўлиб бор. Зеро, олов – тилсиз ёв, унга нисбатан доимо ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади.

Ҳар бир уй соҳибини электр асбобларидан тўғри фойдаланиш лозим. Шунингдек, табиий газни резина ичаклар орқали улаш ҳам хавфли саналади. Айниқса, тунда газ плиталарини ёқиб қолдириш тасодифан газ босимининг ошиб кетиши натижасида қўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Хуллас, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга эътибор берса, ўз уйини, мол-мулкни ва ўз ҳаётиини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлади.

Р.ДАВЛЯЕВ,
Тошкент шаҳар
12-ҲЕХО инспектори,
катта лейтенант

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat.gazeta@mail.ru

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмом САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89

Маълум: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан қўйиб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Нашр индекси – 100

Навбатчи – Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи – З.БАКИРОВ